



Ернинг пўстлоғи етти каватдан иборат. Биринчи катлам – гидросфера, яъни сувли катламдир. Иккинчи катлам литосфера деб аталади ва Ернинг пўстлогини ташкил қилади. У Ер сатхининг энг устки катламларини шакллантиради. Уларнинг калинлиги ўртача 80 км. ни ташкил қилади. Литосфера бошқа катламларга караганда каттиқроқ бўлиб, харорати ҳам уларга нисбатан анча совуқроқдир. Шунинг учун ҳам у Ернинг пўстлоғи вазифасини бажаради. Учинчи катлам – астеносфера деб юритилади. У Ернинг унчалик каттиқ бўлмаган, юмшаши ва эриб туриши мумкин бўлган иссиқ катламидир. Тўртинчи ва бешинчи катламлар – Ернинг устки ва остки мантияларидир. Мантиялар юкори хароратли ярим каттиқ тоғ жинсларидан ташкил топган. Уларнинг калинлиги тахминан 2900 км. ни ташкил қилади.

Олтинчи ва еттинчи катламлар бир-бирига ўхшамайдиган икки қисмдан иборат. Олтинчи катлам калинлиги 2200 км. бўлган суюқ ташки ядро, еттинчи катлам эса каттиқ ички ядро ёки бошқача қилиб айтганда субядро деб аталади.

Инсоният ер қобигининг ана шундай тузилганлигини йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида, фан-техника ривожланиб, Ер остининг тузилиши бўйича мураккаб илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятига эга бўлгангача билиб олди. Куръони Каримда эса Парвардигоримиз бу илмларни бизга еттинчи асрда нозил қилган эди.

«Аллох етти осмонни ва ердан ҳам ўшаларнинг мислини (яъни етти кават ерни) яратган Зотдир. (Аллохнинг) амри-фармони уларнинг (яъни етти кават осмон ва етти кават ернинг) ўртасига нозил бўлиб-тарқалиб турур. Токи сизлар Аллохнинг барча нарсага Қодир эканлигини ва Аллох барча нарсани (Ўз) билими билан ихота қилиб олганини билишларингиз учун (У Зот сизларга юкорида зикр қилинган нарсалар хақида хабар берди)». Талок сураси, 12-оят.